



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 24 » mart

№ 129

Toshkent sh.

### **Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари негизида Молия вазирлиги ҳузуридаги **Давлат молиявий назорати инспекцияси** (кейинги ўринларда – Инспекция) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Инспекция марказий аппаратининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Инспекция ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Инспекция юридик шахс мақомига эга бўлади, унинг ҳудудий бошқармалари эса юридик шахс мақомисиз ташкил этилади;

Инспекциянинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларининг ходимлари Инспекция бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Инспекциянинг бошқарув ходимлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш ва тиббий хизмат шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли ходимларига тенглаштирилади;

Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

барча назорат қилувчи органлар томонидан бюджет ташкилотларида ўтказиладиган текширувлар “Давлат аудити” дастурида рўйхатга олинади ҳамда текширувларнинг натижаларига доир барча турдаги ҳужжатларни (давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) ушбу дастурга жойлаштириш мажбурий ҳисобланади.

4. Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга оширишни автоматлаштириш мақсадида қуйидагилар белгилансин:

**2022 йил 1 майдан бошлаб** бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ходимларнинг банк пластик карталарига ўтказиш учун ходимлар рўйхати (давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) Молия вазирлигининг ахборот тизимидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборот тизими орқали тегишли тижорат банкининг ахборот тизимига фақат автоматлаштирилган тарзда электрон шаклда юборилади;

**2022 йил 1 сентябрдан бошлаб** босқичма-босқич Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилотларда ишловчи ходимларга **ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни автоматлаштирилган** ҳолда УзАСБО дастурий мажмуасида ҳисоблаш Халқ таълими тизимидаги муассасаларни бошқариш бўйича ягона электрон дастурий тизимда (ERP) шакллантирилган маълумотлар асосида тажриба-синов тариқасида амалга оширилади;

**2023 йил 1 январдан бошлаб** Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг **ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни автоматлаштирилган** ҳолда ҳисоблашда Халқ таълими вазирлигининг тажрибаси жорий этилади;

туман (шаҳар) халқ таълими, мактабгача таълим бўлимлари ва тиббиёт бирлашмаларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари бухгалтерларига (иктисодчиларига) бюджет ташкилотларининг штат жадвалларидаги ходимлар, тарбияланувчилар ва даволанувчиларнинг сонини амалдаги ҳолат билан солиштириш мақсадида жойига чиққан ҳолда мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2022 йил 1 апрелдан** бошлаб Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида, **1 июндан** бошлаб эса республиканинг қолган барча ҳудудларида:

давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда

– ДХШ ташкилотлари) ходимларининг ишга келиб-кетишини ҳисобга олиш (ўз ходимларини сақлаш учун давлат бюджетидан субсидия олмайдиган давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари бундан мустасно) ҳамда **тарбияланувчиларнинг давоматини юритиш** шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали ҳисобга олинади ҳамда мобил илова ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг “Болалар боғчаси” мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида (кейинги ўринларда – “Болалар боғчаси” ахборот тизими) ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш ахборот тизимида (кейинги ўринларда – НМТТБАТ) ҳисоби юритилади;

ДХШ ташкилотларининг давлат хусусий-шериклик бўйича битимлари НМТТБАТда электрон шаклда тузилади ва томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади;

ДХШ ташкилотларига, шу жумладан, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда хусусий мактабгача таълим ташкилотларига ажратиладиган **субсидиялар ва компенсациялар ҳажми** “Болалар боғчаси” ахборот тизими, НМТТБАТ, “Mehtnat.uz”, “Soliq.uz”, “УзАСБО” ҳамда электр энергияси ва табиий газ таъминоти ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимларидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда **автоматик равишда** ҳисоблаб чиқилади;

б) ДХШ ташкилотларида субсидияларни бериш жараёнини рақамлаштиришда ушбу ташкилотларда фойдаланиладиган жиҳозларни харид қилиш, алоқа хизматлари ва НМТТБАТдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ДХШ ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) **2022 йил 1 июндан бошлаб** ДХШ ташкилотларига субсидиялар миқдорлари фақат шахсни биометрик идентификация қилиш технологиялари орқали **йиғилган электрон маълумотлар** асосида НМТТБАТда ҳисобланади ва **2022 йил 1 июндан бошлаб** шакллантирилган **электрон буюртманома ва ҳисоботлар** асосида тўланади;

г) мазкур банднинг “а”, “б”, “в” кичик бандларда белгиланган талабларни бажармаган ДХШ ташкилотлари ва хусусий мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар ва компенсациялар ажратилмайди;

д) “Болалар боғчаси” ахборот тизими ва НМТТБАТни давлат ҳамда ДХШ ташкилотларида жорий этиш натижасида иқтисод қилинадиган маблағлар ушбу ахборот тизимларини такомиллаштириш ва худудларда жорий этишга ҳамда Мактабгача таълим вазирлигининг бошқа вазифаларини бажаришга йўналтирилади;

е) **2022 йил 1 апрелдан бошлаб:**

мактабгача таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича расмийлаштирилдиган молиявий ва бухгалтерия хужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи ушбу ташкилотларнинг директорларига берилади;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотида 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 12 – 50 нафар болага тарбия берилиши учун субсидиялар ажратилади.

Бунда ёлланган тарбиячи ва ёрдамчи хизматчиларга тегишли тоифа бўйича 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга тўланадиган ҳаққа тенг шартларда ва ҳажмларда иш ҳақи тўланади ҳамда биринчи гуруҳ 25 нафар тарбияланувчилардан иборат бўлганда, кўшимча камида 12 нафар тарбияланувчилар рўйхати НМТТБАТга киритилгандан сўнг иккинчи гуруҳ автоматик равишда шакллантирилиб, белгиланган штат бирликлари ажратилишига рухсат этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин) **2022 йил 1 майга** қадар мазкур қарорнинг 5-бандидаги тадбирларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ва механизмларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2023 йил 1 январдан бошлаб** бюджет ташкилотларининг бюджет сўровлари, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини қоғоз шаклида расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади ҳамда уларни тўлиқ электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий этилади, бундан давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мустасно;

б) **2022 йил 1 июлдан бошлаб** ортиқча режалаштирилганлиги аниқланган маблағлар, штат бирликлари тўлдирилмаганлиги, шунингдек, тармоқ, штатлар ва контингентлар бўйича режа бажарилмаганлиги натижасида бўшаб қоладиган маблағларни чегириш ҳар бир чорак якуни бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойининг 25 санасига қадар биринчи даражали ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан амалга оширилади ҳамда устувор равишда иш ҳақи ва нафақалар миқдорини, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади;

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) **2022 йил 1 июнга қадар** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси жараёнида бюджетдан ажратилган маблағларнинг штат бирликлари тўлдирилмаганлиги, шунингдек, тармоқ, штатлар ва контингентлар бўйича режа бажарилмаганлиги натижасида фойдаланилмай қолган қисмини аниқлаш ва ундан фойдаланишни назарда тутувчи тартибини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 майга қадар** “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси бюджет ташкилотларидаги штатлар сони, яратилган иш ўринлари, тузилган ва бекор қилинган меҳнат шартномалари, ходимларнинг олий ва олий таълимдан кейинги таълими ҳамда уларнинг тоифа ва малакаси, бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилган ҳолда Молия вазирлигининг ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси, вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан реал вақт режимда маълумотлар базасидан фойдаланиш рухсат этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур қарорга 3-иловада кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Электрон назоратчи-тафтишчи” дастурий мажмуасига интеграция қилинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Инспекцияни зарур бино билан ва унинг ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармалари биноларида жойлашишини таъминласин;

Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари фойдаланаётган товар-моддий бойликлари хатловдан ўтказилиб, Инспекция балансига олинишини таъминласин, шу жумладан ҳудудий бошқармаларининг хизмат автотранспорт воситаларидан фойдаланиш меъёрлари сақлаб қолинсин.


11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири




А. Арипов

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Давлат молиявий назорати инспекцияси марказий аппарати бошқарув ходимларининг умумий штат сони 85 бирлик.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сони ўрнатилган меъёрлар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳудудий бошқармаларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони 24 — 39 бирлик.  
Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳудудий бошқармаларининг умумий сони 438 бирлик.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сони ўрнатилган меъёрлар асосида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “24” мартдаги 129-сон қарорига  
3-илова

**Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати  
инспекцияси, вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари  
томонидан реал вақт режимида маълумотлар базаларидан  
фойдаланиш рухсат этиладиган давлат органлари  
ва ташкилотларининг  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги
9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги
10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
15. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
16. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
17. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
18. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
20. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги

21. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги
22. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
25. “Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси” АЖ

**Изоҳ.** *Реал вақт режимида маълумотлар базасидан фойдаланишга рухсат дастурий комплекс функцияларга ва маълумотлар базаси таркибига аралашини ҳуқуқсиз берилади.*

